



Q A R O R

«13» октябрь 2003 йил

№ 451 -К

Юридик шахсга ижарага  
кушимча ер ажратиш тугрисида

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Фермер хужаликларини ташкил этиш тугрисида»ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли «Тадбиркорлик субъектларни давлат руҳатидан утказиш ва ҳисобга қуйиш тизимини такомиллаштириш тугрисида» ги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 53-маддасига асосан ва З.М.Бобур номли ширкат хужалик аъзоларининг 2002 йил 24-декабрдаги №-3-сонли «PARVOZ» фермер хужалигини фаолиятини кенгайтириш учун «PARVOZ» фермер хужалигига №-102-контурдан 2,0 гектар, №-103-контурдан 4,0 гектар, жами 6,0 гектар ер майдони ажратиб бериш тугрисида» ги умумий йигилиш қарори, ер участкаларини бериш (Реализация қилиш) масалаларини қуриш бўйича доимий фаолият курсатувчи туман комиссиясининг 2003 йил 15-октябрдаги йигилиш баёнидаги ижобий ҳулосани ҳамда З.М.Бобур номли ширкат хужалигидаги «PARVOZ» фермер хужалигини фаолиятини кенгайтириш учун ер майдони ажратиб бериш тугрисида ёзган аризасини қуриб чиқиб

Қ А Р О Р К И Л А М А Н :

1. З.М.Бобур номли ширкат хужалик аъзоларининг 2002 йил 24-декабрдаги №-3-сонли «PARVOZ» фермер хужалигини фаолиятини кенгайтириш учун «PARVOZ» фермер хужалигига №-102-контурдан 2,0 гектар, №-103-контурдан 4,0 гектар, жами 6,0 гектар дехқончилик йуналиши бўйича ер майдони ажратиб бериш тугрисида»ги умумий йигилиш қарори тасдиқлансин.

2. Туман ер ресурслари хизмати (Б.Абдураззоқов)га ер кадастр ва бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонини йил якуни билан З.М.Бобур номли ширкат хужалиги ҳисобидан чиқариш тегишли меъёрий ҳужжатларни ва давлат гувоҳномасини тайёрлаш;

-ДФХУ вакилиги директори (А.Олимов)га «PARVOZ» фермер хужаликларини тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузишни ва шартномани бажарилишини ҳамда ердан оқилона фойдаланишни назорат қилиш;

-туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Жураев)га «PARVOZ» фермер хужалигининг молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш;

-иктисослашган тижорат банкларига «PARVOZ» фермер хужалигининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳаракатини тартибга солиш;

-туман статистика бўлими (З.Эргашев)га «PARVOZ» фермер хужалигининг статистик ҳисоботларини тугри олиб бориш ва умумлаштириш вазифаси юқлатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи Уринбосари Ю.Абдимуродов зиммасига юқлатилсин.

Туман ҳокими:-

*Ш.Негматов*

Ш.Негматов